ШАРТЛАШИШ МОТИВИНИНГ СЕМАНТИК ТИПЛАРИ

Ш.И.Назарова

Мақолада фольклор назарияси муаммолари, хусусан, синов мотивлари доирасига кирувчи тақиқ, шарт, шартлашув мотивлари хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Эртак ва достон жанрлари мисолида шартлашувнинг семантик типлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар:*тип, сюжет, мотив, синов мотивлари комплекси, тақиқ, шарт, шартлашиш, ҳомий, кўмакчи.*

Статья посвящена вопросам теории фольклора, в частности, специфике мотивов испытания, различий между запретом, условием и условленным условием. Эти проблемы рассматриваются на материале сказок и дастанов.

Ключевые слова: *тип, сюжет, мотив, комплекс мотивов испытания, табу, условие, покровитель, помощник.*

In this article the author analyzes the problem of theory of folklore, especially, signs of sample motives; On the examples of Uzbek tales and poems the author tries to show differences between semantic types of agreement.

Key words: *type, plot, motive, complex of sample motives, taboo, condition, negotiation, protector, assistant.*

Халқ оғзаки ижоди намуналарини сюжет типларига ажратган ҳолда тадқиқот олиб бориш самарали йўл ҳисобланади. Фольклоршуносликка оид кўплаб илмий концепциялар шу йўл билан ишлаб чиқилган, асосланган. Шу билан бирга А.Н.Веселовский, В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский кенг қўллаган тадқиқ йўли ҳам борки, у мотивлар орқали сюжет типларини аниқлаш ва таҳлил этишга қаратилган. Пропп “Мотивни фақат сюжет тизимида ўрганиш мумкин, сюжетни бўлса сюжетлар қиёсида тадқиқ этиш мумкин” деган фикрни илгари суради. Мелетинский бу усулни “Палеоосиё мифологик эпоси” тадқиқотига тўла татбиқ этган. Тарихий поэтика назариётчиси А.Н.Веселовский мотивга эстетик идрок материали сифатида ёндашади ва уни маълум бир ҳаракатдан туғилган такрорий, ёрқин таассуротни ифодаловчи формула асосида тушунтиради. Олим фикрича, мотивга хос белги бирҳадли схематизм, бундай ажралмас бутунлик мифология ҳамда эртакнинг энг кичик элементидир. Дейлик, ёвуз жодугар гўзал қизга ҳалокатга олиб борувчи топшириқлар беради. Бу шартлар бир неча маротаба такрорланиши мумкин. Худди шу ҳолатда шарт мотиви сюжет даражасида ўсиб боради. Фольклоршунос Ҳ.Зарифов сюжет тизими ва трансформацияга учраган эпик мотивлар масаласини эпосни ўрганишдаги муҳим тадқиқий босқич сифатида кўрсатиб ўтган эди [1].

Эпик жанрлар, хусусан, достон ва эртакларда туғилиш, туш, синов, сафар, қайтиш мотивлари кенг учрайди. Бу мотивлар матнларда келиш тартибига кўра турлича бўлса-да, бирлашиб занжир ҳолатида сюжетни ҳосил қилади.Синов мотивлари ва уларнинг сюжет структурасидаги ўрни масаласи кўплаб тадқиқотларда асосий муаммонинг кичик бир бўғини сифатида кўриб ўтилади.

Ҳ.Зарифов синов мотивларининг “Алпомиш” достони вариантлари тизимида ўзгаришга учраши ҳодисасига диққат қаратган бўлса, В.Жирмунский “Бамси-Бейрек” ва “Алпомиш” достонларидаги синов мотивларини қиёсан текширади. Охирги йилларда эълон қилинган тадқиқотларда достон жанрида учровчи синов мотивларининг шомонлик маросимларига, шунингдек, алплик тизимига алоқадор жиҳатлари ўрганилди [2].

Халқ эртаклари матнида келувчи синов мотивлари поэтикаси В.Я.Пропп, В.М.Жирмунский асарларида, ўзбек халқ эртакларига татбиқан М.Афзалов, Х.Эгамов, Ғ.Жалолов, Н.Дўстхўжаева, З.Расуловаларнинг тадқиқотларида қисман текширилади [3]. Аммо синов мотивлари мураккаб структураси ва семантикасига қарамасдан, бирор алоҳида жанр мисолида лейтмотив сифатида махсус тадқиқ этилмаган.

Синов мотивлари эпик асарлар таркибида уч йўналишда намоён бўлади:

1) тақиқларга риоя қилиш орқали синалиш;

2) шартларни ўташ орқали синалиш;

3) шартлашиш шартларини бажариш орқали синалиш.

Шу жиҳатдан синовни тақиқ, шарт, шартлашишдан иборат мотивлар комплекси дея баҳолаш мумкин.

Миф ва маросим доирасида қолган тақиқлардан фарқли, бадиий-эстетик ҳодисага айланган тақиқ сюжетнинг кичик ҳалқаси сифатида эпик мазмунни ифодалашга хизмат қилади. Сюжетнинг турли нуқталарида жойлашади, унинг белгилаб берилиши ҳам, бузилиши ҳам бадиий мантиқ талабига бўйсундирилади. Энг муҳим поэтик хоссаси шундаки, тақиққа риоя қилмаслик бадиий матнда воқеалар ривожини юзага келтиради.

Шарт майдонда, оммавий саҳнада эълон қилинадиган, бажарилиши зарур бўлган топшириқдир. Шарт мотиви, кўпинча, сюжетнинг бошланиш ҳамда асосий қисмида келади ҳамда сафар, уйланиш, қайтиш мотивлари занжирига бошчилик қилади. Шарт қўйилиши билан воқеаларнинг янги оқими ҳаракатга тушади, характерлар тўла шаклана бошлайди.

Шарт мотивларининг асосий қисми эртак жанри матнида кузатилади, кўпинча, мотивнинг уч белгиси: шарт, мукофот ва жазо мотивига боғланиш тўла сақланади.

Тақиқ ва шарт мотивларини тадқиқ этиш баробарида шундай вазиятга дуч келдикки, бу ҳолатларни “шартлашиш” деб аташни лозим топдик. Чунки бу мотив мантиғига кўра, тақиқ ҳам, шарт ҳам эмас, балки келишув етакчи мавқега эга бўлади, у айнан шу хоссаси билан синов мотивлари мажмуига тегишлидир.

Шартлашишни матнда эпик вазият бошқаради. Эркин ҳаракат имкониятлари чекланган, масалан, трансформация ҳолатига тушган, асирликда бўлган қаҳрамонлар шартлашишга мажбур бўлади. Қаҳрамон ҳаётини қутқариш, келишилган буюмни қўлга киритиш учун шартларни қабул қилишга мажбур қилинади.

Шартлашишлар бутун бир достонлар циклини бошлаб бериши ҳам, эпизодик тасвир ҳолатида қолиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолатни Тош шоир Чоршанби ўғли куйлаган “Гўрўғлининг туғилиши ҳам болалиги” достонида (Биби Ҳилолнинг қизлар билан шартлашиши), иккинчи ҳолатни Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган “Кунтуғмиш” достонида (Кунтуғмиш ва дарвозабон; Кунтуғмиш ва Гулзамон шартлашуви) кузатамиз.

Шартлашиш эпик ҳудудлар чегарасида олиб борилади: Гўрўғлининг Ҳизр билан шартлашиши илоҳий-мифологик кучлар ҳудудига ўтишда, Авазнинг Бало билан шартлашиши девлар маконига ўтишда, Биби Ҳилолнинг қизлар билан шартлашуви ер ва сув ўртасидаги қирғоқда (ер дунёси ва сув олами ўртасида). Эртакларда ҳам айни ҳолат мавжуд. Шу сабабдан шартлашиш мотиви, кўпинча, сафар мотиви билан бирга келади.

Достонларда келувчи шартлашишларни умумий мазмунга кўра бир неча турларга бўлиш мумкин:

никоҳ билан боғлиқ шартлашувлар.

Шартлашув йигит ва қиз ўртасида бўлиб ўтади. Шартлашишнинг яна бир муҳим белгиси шундаки, унда икки тарафдан бирининг имконияти юқорироқ бўлади ва шартлашув шартлари унинг манфаатларига бўйсундирилади.

Офтобой айтди: “Зиндондан чиққандан кейин мени олсангиз, Ойсулув онангизнинг қошига олиб борсангиз бўлади. Менинг сиздан тилагим шу” [4. 11].

ҳомий кучлар ва кўмакчи топиш шарти билан бевосита алоқадор шартлашувлар:

а) ҳомий билан шартлашув.

Шу ўринда ҳомий ва кўмакчининг функционал фарқларини белгилаб олиш зарурати туғилади. Ҳомий сюжет чизиғини қаҳрамон билан ёнма-ён босиб ўтади. Кўмакчи бўлса сюжетнинг маълум ҳалқасида фаолиятда бўлади. Шунингдек, синов шартларини бажаришда ҳомий тақдир ва илоҳий кучлар ихтиёри билан, кўмакчи эса қаҳрамон талабига кўра унга ҳамроҳ бўлади. Ҳомий қаҳрамон ҳаракатларини йўналтиради, унинг жисмоний ва руҳий кучига ҳомийлик қилади. Қаҳрамон кўмакчидан бирор-бир белги, тутатқи олиб қолади, лозим вақтда шу белги воситасида у чақириб олинади. Шу тарзда кўмакчи қаҳрамон бошқарувига ўтади, у қаҳрамон томонидан муҳрланади [5.279-290]. Ҳомий билан шартлашувда ҳомий бирор сабаб билан қаҳрамоннинг руҳий қувватини синовдан ўтказади. Талабига жавоб берса, унга ҳомийлик қила бошлайди.

Гўрўғли: “Э, бобо, хайр эса икковимиз бир олишамиз, қайси биримиз йиқитсак, зўр бўлсак от шунимизники”, - деди [6.124];

б) кўмакчи билан шартлашув.

Кўмакчи билан шартлашиш бир неча босқичдан иборат. Биринчи – дўқ уриб қўрқитиб кўриш, иккинчи босқич – шартлашиш, охирги босқич – муҳр босиш.

Дев айтди: “Худой айтганингни қилар экан, гапнинг бўларини айтиб қўя қол, сен бало бўсанг, аввал битингни кўрсат, - деди. Гўрўғли айтди: - Ҳа, кўрсат десанг кўрсатамиз. Тағи қўрқма, аввал сен кўрсат! Ундан кейин мен кўрсатаман, - деди. Дев қўйнига қўлини солди, битини олди. Мана деб ташлади. Бити қурбақадай бўлиб ўрмалаб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан тошбақани чиқариб ташлади. Тошбақа девнинг битини чирқиратиб босиб еяверди. Дев айтди: - Бунинг бити устига тош битиб кетган экан, - деди. Дев бургасини чиқариб кўрсатди, Гўрўғли қуённи чиқариб ташлади. Дев-

нинг бургасини бўғиб еяверди. Энди дев: - Қўлтиғингнинг жунини кўрсат, - деди. Дев жунини кўрсатди, жинғиртқадай илашиб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан эшакнинг думини чиқариб берди. Дев айтди: - Во худо урди, энди бунинг балолиги рост экан [7.186-187].

эпик маконда илоҳий вазиятлар юзага келтирган шартлашувлар.

“Бир куни Биби Ҳилол беш-тўрт қиз билан дарё бўйига чиқиб, сув бўйида ўйин қилишиб турган вақти, сув бетида бир кўпик оқиб келаверади. Дугоналар: “Шу кўпикни ким сувдан қўрқмай ушласа, битта узук ё битта билакузук берамиз”, деб шартлашишади. Шунда Биби Ҳилол ул қизларнинг қошида туриб: – Эй, бу узук билан билакузукни бериб уддасидан чиқа олмайсизлар-да!”, – деди. Дугоналари: – Ҳай майли, ким олса олсин, – деб узугу билагузукни ўртага ташлаб қўяди.

Шунда Биби Ҳилол зўр уриб сувни ичига кечиб, етиб, кўпикни қўлига илиб олиб, оғзига солади. Шу ҳамоно булутни ютади. Шу билан қайтарилиб сувдан чиқиб келади. Биби Ҳилол узук, билакузукни олади, қизлар уй-уйига кетади. Бу орада Биби Ҳилол бўғоз бўлади” [9].

Биз келтирган мисолда илоҳий туғилиш шартлашув мотивининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

ижтимоий-маиший мазмундаги шартлашувлар.

“Хатда айтибди: “Турон Эронга тобе бўлсин, Ойсулув подшо бизга бўйсунсин. Агар бизнинг сўзимизни қулоққа олмаса, зиндонга ётган ўғлини ўлдирамиз, лашкар билан устига ёвлаб борамиз. Ойсулув подшони банди қилиб, жамии эл-халқини талаб, мол-мулкини ўлжа қилиб, одамларини қул қилиб Эронга ҳайдаймиз”, - депти. Доро билан Паҳлавон Қайсар муҳрини босипти. Номанинг бир четида тағин шундай ёзипти: “Агар Ойсулув подшо урушмасдан мамлакатни берса, ўзи менга тегса, зиндонга ётган ўғлини чиқариб бераман, ҳам ўзи, ҳам ўғли омон қолади”, депти. Бунга Паҳлавон Қайсар бир ўзи муҳрини босипти [4.8].

Шартлашувнинг мазкур турида тарихий жараён ва маиший турмуш асосий мазмунни ташкил этади.

Эртакларларда келадиган шартлашув турларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

никоҳ билан боғлиқ шартлашувлар.

“Энди опа-сингил орасида жанжал бошланибди. Узоқ жанжалдан кейин, ахири бир маслаҳатга келишибди. Каттаси: “Сандиқни мен оламан”, дебди, кичкинаси: “Сандиқ ичидан нима чиқса, шуни мен оламан”, дебди” [10.119].

ҳомий кучлар ва кўмакчи топиш шарти билан бевосита алоқдор шартлашувлар.

Биз ўрганган эртаклар матнида ҳомий ва қаҳрамон шартлашуви кузатилмади. Улар ҳеч қайси масалада шартлашмайдилар, бошқа-бошқа қутбларда туриб куч синашмайдилар.

Кўмакчи билан шартлашиш мотивига мисол келтирамиз: “Вазирвачча: - Мен ҳеч қандай кўйлак олганим йўқ, - дебди. Ахири бўлмагандан кейин пари қизи: - Нима тилагинг бўлса айт, ҳаммасини қилиб бераман, - дебди. Вазирвачча: - Мени парилар боғига олиб боргин, - дебди. Пари қизи рози бўлгач, Вазирвачча кўйлакни берибди” [11.261]. Пари қизи қаҳрамонга сочининг толасидан узиб беради ва муҳрланади.

эпик маконда илоҳий вазиятлар юзага келтирган шартлашувлар.

“Чол буларнинг сўзини обдон тинглабди. Кейин қўйнидан иккита қизил олма чиқариб, бирини подшоҳга, бирини вазирга узатиб, бундай дебди: – Болаларим, бу олмаларни олиб бориб севган хотинингиз билан баҳам кўринглар, ўз ишларингиздан қолманглар, фуқарога жабр-зулм қилмай, юртни обод сақланглар. Кейин уларга бир шарт қўйибди: – Мен олмани сизларга шу шарт билан бердимки, қайси бирингизнинг хотинингиз ўғил туғса, отини Тоҳир қўйинг, қайси бирингизнинг хотинингиз қиз туғса, отини Зуҳра қўйинг. Аммо уларни бир-биридан ажратманг. Катта бўлиб вояга етганда қуда бўлинглар, эсдан чиқарманглар, – деб келган томонга қараб кетибди” [10.115].

маросим билан бевосита боғлиқ бўлган шартлашувлар.

“Мени ўлдирмагин, мен қизни аввалгисидан ҳам хушрўй қиламан, карнинг қулоғини очаман, кўрни тузатаман, сенинг оёғингни бутун қиламан”, дебди кампир. Момо аввал қизни бир ютиб, сўнг қайта чиқарибди. Қиз аввалгидан ҳам чиройли бўлибди. Иккинчисида карни ютиб чиқарибди. У бурунгисидай эшитадиган бўлибди. Учинчисида кўрни ютиб чиқарибди. Унинг кўзи кўрадиган бўлибди. Энди Бадалқорачага навбат етганда, у шерикларига қараб: “Агар мени ютиб, чиқармаса, уни чопиб ўкчасини ёки жимжилоғини қаранглар”, - дебди” [10.288].

“Ютиш” – ўлим, “чиқариш” – қайта туғилиш каби маросимдаги инициация жараёни билан боғлиқ унсурлар матнда бадиий ифодага айланган ва бу ифода шартлашиш мотиви шаклини олган.

ижтимоий-маиший мазмундаги шартлашувлар.

“Подшо ёстиққа суянгани ҳолда Калга қараб: “Ҳа... Ҳа... Ҳали сен Қора подшони енгиб, унинг қизини ва молу дунёсини олиб берадиган бўлдингми?” – дебди. Кейин бир оз ўйлаб: “Хўп, майли, агар урушда енгилиб қолсанг, у вақтда сени

ўлдириб, гўштингни қийма қилиб, бозорда сарсон қилиш у ёқда турсин, танангни тегирмонга солиб, ун қилиб, гўштингдан чучвара пиширтириб, онангга бериб бозорда сотдирамен", – дебди. Кал подшога таъзим қилиб қўрқмай, ботирларча жавоб қайтарибди: "Хўп майли, агар мен енгилсам, билганингизни қилинг! Борди-ю, Қора подшони енгсам, у вақтда подшонинг қизини ўзим оламен" [10.177].

Битта эртакнинг ўзида бир нечта шартлашувлар келиши мумкин. "Чўлоқ бўри", "Ақлли қиз" эртакларида иккита, "Сирли гиламча"да учта, "Қарға билан қўзи"да бўлса сюжетни шакллантирган ўнга яқин шартлашув мавжуд. Комулятив эртаклар структураси асосан шартлашувлар асосига қурилишини кузатиш мумкин. Шартлашишнинг поэтик асослари шарт қўювчи ва шартни ўтовчи ўртасидаги семантик боғлиқлик таҳлилидан сўнг янада ойдинлашади.

Тақиқ, шарт, шартлашиш фарқлидир. Аммо тақиқни бузган ҳам, шартни бажара олмаган ҳам, шартлашишда мажбуриятни ўтай олмаган ҳам синовдан ўтмаган ҳисобланади; улар синов мотивлари доирасида бирлашади, сюжетни шакллантиришда иштирок эта бошлайди. Бу иштирок мақол, нақлдаги кичик эпизодик тасвирдан то бутун бошли "Гўрўғли" достонлар циклини ҳаракатга келтириш жараёнигача кенгайиб боради. Мотивлар сюжет типларини аниқлаш ва таснифлашдаги таянч поэтик нуқталар саналади.

Адабиётлар:

1. Қаранг: Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – 340 с.; Мелетинский Е.М. Палеоазиатский мифологический эпос. – М.: Наука, 1979. – 230 с.; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 301 с.; Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Т.: Фан, 1959. – С.6-25.

2. Қаранг: Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Т.: Фан, 1959. – С.14; Жирмунский В.М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Об эпосе «Алпамыш». – Т.: Фан, 1959. – С. 26-60; Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011. – 240 б.; Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – 304 б.

3. Қаранг: Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.277-282; Жирмунский В.М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше // Об эпосе «Алпамыш». – Т.: Фан, 1959. – С.26-60; Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.: Фан, 1964. – Б.5-33; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976. – Б.62; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б.54-60; Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. Автореф. – Т., 1999; Расулова З. Сеҳрли эртакларда табуларга алоқадор мотивларнинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006.- №2. – Б.64-66.

4. Ойсулув. Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зариф. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1954. – Б.11.

5. Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.279-290.

6. Гўрўғлининг туғилиши. Достон / Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967. – Б.124.

7. Юнус пари. Достон / Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи Ш.Хўжаева. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967. – Б.186-187.

8. Балогардон. Достон / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Қайта нашрга тайёрловчилар Х.Расул ва М.Афзалов. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1958. – Б.19-24.

9. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № - 1459.

10. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М..Афзалов, Ҳ.Расулов, З.Ҳусаинова. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963. I жилд. – Б.119.

11. Сув қизи / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, З.Ҳусаинова, Н.Сабуров // Ўзбек халқ эртаклари. – Т.: Бадиий адабиёт, 1966. – Б.261.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти,
2015 йил 9 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Ш.Турдимов)